*Муборак кунлар*

# ҲИДОЯТ ВА ШАФОАТ ОЙИ

**Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм.**

**Мусулмон аҳлининг ҳар йили ўзининг иродаси, қаноатини синовдан ўтказадиган, унинг қалбини инсофу диёнат, сабру бардош туйғулари билан тўлдирадиган, меҳру шафқатга ундайдиган муборак Рамазон – рўза ойи арафасида турибмиз.**

Оллоҳдан ваҳий бўлган қудсийда жаноби Расулуллоҳ шундай дейдилар: «Одам боласи нимаики иш қилса ўзи учун қилади. Рўзаси бундан мустасно, чунки у меникидир. Уни (рўзани) мен белгилайман, у менинг мукофотимдир, таомини ва шаробини (ичгуликларини) мен учун тарк этади».

Ҳақиқатан ҳам барча амаллар Оллоҳ таборака ва таоло ихтиёридадир. Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг «одам боласи нимаики иш қилса ўзи учун қилади,» – деган сўзларининг маъноси – бошқа барча ибодатларга риё, фахр, миннат аралашиши мумкин, чунки улар зоҳир амаллардир. Масалан, намоз пайтида намозхоннинг рукуъ ва саждада жамоат билан саф тортиб турганини кўрамиз. Закот берилганда, Ҳаж амаллари адо этилаётганда ва ҳакозо ҳолатларда барча ҳаракатлар кўзга ташланади. Рўза эса – ботиний ибодатдир, унинг қай даражада бажарилаётганини фақатгина Оллоҳ билади. Бу ибодат Оллоҳга бўлган муҳаббат ва ихлос белгиси сифатида бажарилади, эвазига эса Оллоҳ бандасига ўзининг беҳисоб раҳмати ва неъматидан насиб этади. Шунинг учун мазкур ҳадисда «таоми ва шаробини мен учун тарк этади», дейилади.

Ҳужжатул-Ислом ал-Ғаззолий ушбу ҳадисга шарҳ бериб, «Рўза ҳақиқатан ҳам Оллоҳникидир, унинг шарафига бағишланган амалдир. Унда икки маъно бор: – қаноат ва тарк этишдир, яна сир ҳамдирки, барча ибодатларни кўриш мумкин бўлса уни Оллоҳ азза ва жалладан ўзга ҳеч ким кўрмайди. Бу амал ботиний бўлиб, сабр-бардош орқали унга эришилади. Иккинчиси эса Оллоҳнинг душманларига бериладиган зарбадир, чунки шаҳвоний амаллар шайтоний ҳисобланади».

Жаноби Расулуллоҳдан қуйидаги ҳадис ҳам ворид бўлган:

«Кимки иймон ва иҳтисоб бирла рамазон ойида рўза тутса, илгариги қилган гуноҳларини Оллоҳ кечиради». Бу гаплардан хулоса шуки, рамазон ойи Оллоҳга қайтиш учун жуда қулай фурсат, гуноҳкор учун мағфират сўраш имконидир.

Иҳтисоб – Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло сиймосини солиҳ амалларни адо этиш йўли билан талаб қилишликдир.

Рамазон муносабати билан рўзага таъсир этмайдиган баъзи ишларни билиб қўйиш жоиздир. Ал-Азҳар Университети фатво комиссиясининг фикрича қуйида зикр этилган ишлар рўзани очмас экан:

1. Иссиқ кунда чўмилиш, сузиш, шўнғиш, устидан сув қуйиш (Жаноби Расулуллоҳ рамазон ойида Маккани фатҳ этишга отланганларида устиларидан сув қуйганлари ривоят қилинган).

2. Кўзга дори томизиш, сурма суриш. (Ривоят қилишларича Расулуллоҳ рўза ҳолларида кўзларига сурма қўйган эканлар).

3. Укол қилишнинг барча кўринишлари: мушак орасига, қон томирга, қувват берувчи дори юбориш.

4. Оғиз чайиш.

5. Мисвок ёки оғизни тозаловчи воситалардан фойдаланиш.

6. Оғизда пайдо бўлувчи сўлак ва тупукларни ютиш.

7. Аёл киши пиширилаётган овқатнинг тузини кўриши мумкин, ютмаслик шарти билан.

8. Атир ва хушбўй нарсаларни ҳидлаш.

9. Атир сепиш.

10. Намоз ўқишдан олдин ювиниш.

Рўзанинг ҳам даражотлари бор. Фақатгина таом ва шаробдан (ичгулик, суюқликлар) рўза тутганлар рўзаси энг паст даражали ҳисобланади. Кўпчилик рўза тутганларида егулик, ичгуликдан ташқари яна ёмонликлар, разил сўзлардан ҳам ўзларини тиядилар. Бу хил рўза биринчисидан юқорироқ даражада туради. Яна бошқа тоифа инсонлар таом, ичгулик, ёмон амаллар, разил сўзлардан ташқари уларнинг қалблари ҳам турли истаклардан рўза-соим бўлади, фикрлари эса Оллоҳдан бошқа ўйларни тарк этади. Бу энг юқори даражадир.

Муборак Рамазон ойида ҳар биримизнинг дилимизга Оллоҳ таоло шафоат ва ҳидоят, қаноат ва меҳру мурувват ато этсин.

**Маҳмудхўжа НУРИДДИНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

## РЎЗА ТАҚВИМИ

| Рамазон | ноябр декабр | ҳафта кунлари | саҳарлик тугаши | ифтор вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 28* | Сешанба | 5.42 | 16.59 |
| 2. | 29 | Чоршанба | 5.43 | 16.59 |
| 3. | 30 | Пайшанба | 5.44 | 16.59 |
| 4. | 1 | Жума | 5.45 | 16.58 |
| 5. | 2 | Шанба | 5.46 | 16.58 |
| 6. | 3 | Якшанба | 5.47 | 16.58 |
| 7. | 4 | Душанба | 5.48 | 16.58 |
| 8. | 5 | Сешанба | 5.49 | 16.58 |
| 9. | 6 | Чоршанба | 5.50 | 16.58 |
| 10. | 7 | Пайшанба | 5.51 | 16.57 |
| 11. | 8 | Жума | 5.52 | 16.57 |
| 12. | 9 | Шанба | 5.53 | 16.57 |
| 13. | 10 | Якшанба | 5.54 | 16.57 |
| 14. | 11 | Душанба | 5.55 | 16.58 |
| 15. | 12 | Сешанба | 5.56 | 16.58 |
| 16. | 13 | Чоршанба | 5.56 | 16.58 |
| 17. | 14 | Пайшанба | 5.57 | 16.58 |
| 18. | 15 | Жума | 5.58 | 16.58 |
| 19. | 16 | Шанба | 5.58 | 16.59 |
| 20. | 17 | Якшанба | 5.59 | 16.59 |
| 21. | 18 | Душанба | 6.00 | 16.59 |
| 22. | 19 | Сешанба | 6.00 | 17.00 |
| 23. | 20 | Чоршанба | 6.01 | 17.00 |
| 24. | 21 | Пайшанба | 6.01 | 17.01 |
| 25. | 22 | Жума | 6.02 | 17.01 |
| 26. | 23 | Шанба | 6.02 | 17.02 |
| 27. | 24 | Якшанба | 6.03 | 17.02 |
| 28. | 25 | Душанба | 6.03 | 17.03 |
| 29. | 26 | Сешанба | 6.04 | 17.04 |
| 30. | 27 | Чоршанба | 6.04 | 17.04 |

*Изоҳ: Ойнинг кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

### РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума совма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таала. Аллоҳу акбар.

***Яъни***: *Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу акбар.*

### ИФТОРЛИК(ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирли ё Ғаффору ма қаддамту ва ма аххарту.

***Яъни***: *Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.*

## ОЛЛОҲ ИНОЯТИ

*Тангри дилга солган ҳурриятим бор,*
*Иймон, эътиқодим – соф ниятим бор.*

*Бандалар амридан озод инсонман,*
*Диёнат, виждоним, ҳамийятим бор.*

*Бировлар ҳаққига хиёнатим йўқ,*
*Ўз рисқим тераман, ҳидоятим бор.*

*Топган бурда ноним луқмаи ҳалол,*
*Нафсим тийдим, шукрим ва уятим бор.*

*Юртим – улуғларнинг ватани, Барот,*
*Ўз халқим, ўз диним, ҳур оятим бор.*

* * *

*Тангри кечиргувчи, ўзи меҳрибон,*
*Тавбанг қабул айлаб, бергуси имкон.*

*Гуноҳ ишдан ўзни тиёлган марддир,*
*Виждони амридан огоҳдир ҳар он.*

*Кимки ёлғон айтса диёнати йўқ,*
*Ваъдабоз, ғаразгўй эмасдир инсон.*

*Кимса ватанига қилса хиёнат,*
*Мунофиқ, дўзахи баридан ёмон.*

*Эй Барот, рисқингни ҳалолдан топгил,*
*Жиғилдон дардидан сақлангил омон.*

**Барот ИСРОИЛ.**

*Қатра*

## КАЙФИЯТ

*Сиҳатгоҳнинг кўнгилочар тадбирлари майдони кечки овқатдан кейин дам олувчилар билан гавжум бўлиб кетади. Карнайдан янграётган мусиқа кишини ўзига тортади. Шўх қўшиқлар давом этаётганига бир соатча бўлди-ку ҳеч ким рақсга тушмас, майдон атрофидаги курсиларга ўтириб олган ёши катталардан уялган қизлар умуман ўйнамасликка аҳд қилишгандай. Мана қалбларни ларзага солиб «Мустаҳзод» куйи бошланди. Байрамга келгандек ясаниб, атлас кўйлак кийган жувон ёнидаги қизни «юринг, ўйнайлик» дегандай қўлидан даврага тортди. У эса уят бўлади, дегандек атрофдаги йиғилганларга қараб қўйди. Унинг имо билан қилган бу танбеҳи ҳис-ҳаяжонга берилган атлас кўйлакли аёлнинг шавқини сўндирди. Барибир мусиқанинг сеҳрли кучи, аёл қалбидаги эҳтирос одамларнинг нигоҳидан кучли чиқди. У рақсга тушардию ўзини айбдордек ҳис қилар, икки юзи андишадан ловуллар эди. Тўпланганлар аввал аёлга ички норозилик билан қоралагандай бўлишди. Бир неча дақиқадан сўнг беғубор, кўнгли очиқ аёлнинг завқи барчанинг дилига кўчди. Ҳамма рақсга тушиб кетди. Мусиқа янграр, энди шодонлик барчанинг вужудида ҳукмрон эди.*

**Ваҳобжон ТОЖИЕВ.**

# КАМОЛОТ ЙЎЛИ

*Истиқлол йилларида ўзбек киноижодкорлари яратган қатор фильмлар довруғи оламга ёйилди. Мазмунан теран, шаклан мукаммал, миллий мағзи бой қатор фильмлар санъатнинг бу турини севгувчи ҳамюртларимизга манзур бўлиш билан бир қаторда турли хорижий кино анжуманларнинг нуфузли совринлари билан тақдирланиб келаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.*

Мазкур картиналарнинг ижодкорлари ким бўлиши ва қайси студияга мансублигидан қатъий назар, уларнинг барини «Ўзбекфильм» маҳсулоти деб баҳолашга тўла асосларимиз бор. Зеро, тилларга тушиб, мукофотлар билан тақдирланаётган ушбу янги асарларнинг яратувчилари «Ўзбекфильм» киностудиясида (бугунги кунда очиқ турдаги «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти) тарбия топган санъаткорлардир.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг ҳаёти 1925 йил баҳорида Тошкентдаги собиқ Шайхонтоҳур мадрасаси биносида очилган «Шарқ юлдузи» деб аталувчи мўъжазгина кинофабрикадан бошланди.

Шу чоғдан бошлаб, Ўзбек киноси тарихи «Ўзбекфильм» студияси билан чамбарчас боғланиб қолмоқда. Бу вақт ичида студияда тўрт юздан ортиқ фильм суратга олинди. Улар орасида жаҳон мумтоз фильмлари қаторидан муносиб ўрин олган «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Тошкент нон шаҳри», «Сен етим эмассан», «Севишганлар», «Нафосат», «Аччиқ данак», «Оппоқ-оппоқ лайлаклар», «Ўтган кунлар» ва бошқа фильмлар бор. Ўтган йиллар ичида «Ўзбекфильм» ўзининг бетакрор услубини яратди, ўз фильмлари билан халқаро обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Кейинги йилларда «Ўзбекфильм» Вазирлар Маҳкамаси чиқарган Қарори шарофати билан ўзининг янги ҳаётини бошлади. Собиқ иттифоқдаги аксар студиялар амалда ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлган бир пайтда, «Ўзбекфильм» йилига 6тадан тўла метражли, 4тадан мультипликацион фильмлар ва болалар юмористик киножурнали — «Зумраша»нинг 4тадан сонини чиқариб турибди. Шунингдек, кўп серияли видеофильмлар яратиш фаоллик билан амалга оширилмоқда. Киностудиянинг халқаро муносабатлардаги ҳаёти сезиларли даражада жонланди. Жаҳон киносаноатининг «Кодак», «Марубени», «Ханс Людвиг Шудт», «Пантера» каби маълум ва машҳур пешқадамлари билан ўзаро манфаатли шерик бўлиш оқибатида «Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулотлари бўлган фильмлар энг йирик кинофестивалларнинг экранларига тобора кўплаб кириб бормоқда.





Бугунги кунда ўзбек фильмлари Берлин, Нью-Йорк, Деҳли, Сараево, Москва, Варшаванинг экранларида намойиш қилинмоқда. Ҳозир бизни Франция, Португалия, Жанубий Кореяда яхши билишади.

«Ўзбекфильм» белгиси бўлган фильмлар халқаро совринларга сазовор бўлмоқдалар. Ретроспектив дастурлардан ўрин олмоқдалар. Киностудиянинг ишлаб чиқариш базаси Буюк Британия, АҚШ, Юнонистон, Белорус, Россия, Япония каби давлатларнинг продюссерларини қизиқтирмоқда, улар билан ҳамкорликда самарали лойиҳалар тузишга имкон яратилмоқда.

«Ўзбекфильм» янги режалар тузиб, кун сайин ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган «Ўзбекфильм» Ўзбекистон Республикасининг қимматли маданий бойлиги ҳисобланади.

Истибдод йиллари мобайнида миллий ҳаётдан анча йироқлашган, фақат юқоридан тасдиқланган фильмларни экранлаштирилиши, таъқиқлаш сиёсати туфайли нисбатан боши берк кўчага кириб қолган «Ўзбекфильм» истиқлол туфайли камолот йўлига тушиб олди. У эндиликда ўзбек киносини тараққий эттириш, халқимиз ифтихорига айланган асарлар яратиш, миллий киносанъатни оламшумул даражага кўтариш йўлида собит бормоқда.

**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ.**

*СУРАТЛАРДА: «Ўзбекфильм» олтин ҳазинасидан жой олган «Меҳробдан чаён» ва «Ўтган кунлар» фильмларидан лавҳалар.*

## ҲИКМАТ – БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

◆ Ўзини олим, фозилман, деб мақтаниш, шу билан ғурурланиш жаҳолатнинг бир кўринишидир.

◆ Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.

◆ Қоғозга ёзилиб қолган яхши ном тамом бўлмайдиган умрдир.

◆ Ўз даражангга муносиб ўринни билиб ўтирсанг, бу ўриндан сени ҳеч ким қўзғата олмайди.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.**

## КУЛГИНГА НИМА ЕТСИН!



Бир киши ашаддий шоҳмот ишқибозчиси бўлиб, ҳеч қачон ютқазганини тан олмас экан. Бир куни машҳур шоҳмотчи билан ўйнаб, қаторасига уч марта мағлуб бўлибди. Ҳазилкаш дўстларидан бири келиб сўрабди:

– Қалай, яна ютқаздингми?

– Йўғ-э, – дебди шоҳмотчи, – биринчи партияни рақибим ютқазмади. Иккинчисини мен юта олмадим. Учинчисида эса мен дурангни таклиф қилган эдим, у рози бўлмади.

* * *

Ширакайф киши ярим кечаси дўстини бошлаб уйига келди.

– Яна бўкиб олдингизми, қариб қуюлмас аҳмоқ экансиз, – деди хотини аччиғланиб.

– Шу гапингни яна икки маротаба қайтар, - деди эр секингина.

– Қариб қуюлмас аҳмоқ экансиз, қариб қуюлмаган аҳмоқ экансиз!

– Кўрдингми, менинг рафиқам жуда итоаткор, дарров айтганингни қилади, – деди у дўстига.

* * *

Эр хотинига деди:

– Мана, балиқлар ҳақидаги мақолани ўқиб қўй. Сен улардан сукут сақлашни ўрганиб олсанг бўлади.

– Аввало сен улардан фақат сув ичишни ўргансанг бўлармиди...

* * *

– Азизим, айтинг-чи, борди-ю мен дарёда оқиб кетсам, нима қилган бўлардингиз?

– Қўшни қишлоққа ёрдам сўраб чопардим.

– Аммо бу узоқ-ку!

– Сен учун, севикли рафиқам, мен ундан ҳам узоқроққа югурган бўлардим.

* * *

Икки боғбон учрашиб қолишибди.

– Бу қандай ўсимлик экан-а?!

– Қорағат.

– Хўш, унда нима учун унинг мевалари қизил?

– Э-э, улар ҳали ғўр-да.

* * *

– Кечирасиз, мен мушугингизни босиб ўлдириб қўйдим. Бажонудил пулини тўлайман ё ўрнига мушук бераман.

– Шунақа денг! Унда сичқонларни тута оласизми?

* * *

Бир киши ошхонада мазали таом еб ўтирган экан. Унинг ёнига бир йигит яқинлашибди.

– Рўпарадаги уйда бир соатсоз турарди, билмайсизми, у ҳозир ҳам эсон-омондир-а?

– Йўқ, вафот этган.

– Қандай қилиб? Унинг рафиқаси бор эди – балки у ҳаётдир?

– Йўқ, у ҳам қазо қилган.

– Қанақасига қазо қилади? Уларнинг чиройлигина бир қизи бор эди. Ҳеч бўлмаганда у тирикдир ахир?

– Йўқ ўлган, овқатланаётган чоғимда мен учун ҳамма ўлган.

*Ғаройиб дунё*

## ПАҲЛАВОНЛАР ЙЎҚ ЭМАС

Бурятиянинг Заиграево қишлоғида ғаройиб паҳлавон яшайди. Анатолий Михаханов 16 яшар бўлса ҳам, бўйи 190 сантиметр, вазни эса 192 килограммдир. Унинг кўкрак айланаси 160 сантиметр бўлиб, 49-ўлчовли пойафзал кияди. У уч ёшлигидаёқ 40 литрлик тўла сувдонни ҳеч қандай қийинчиликсиз силжита оларди. Ҳозир ёш полвон «Урал» мотоциклини бемалол кўтаради. Гуруч солинган қопларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Анатолий келгусида сумо кураши билан шуғулланишни орзу қилади. Албатта, паҳлавон бола турмушда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, мактаб партаси унга торлик қилаяпти. Ота-онасининг айтишича, Анатолийнинг тақани осонгина букиб қўя оладиган аждодлари бўлган экан.

## ЖАҲЛДАН ТУШИШ ЙЎЛИ

«Юракни бўшат» деб номланган томошахона фақат Японияда пайдо бўлган эди. Мижоз чақалар тўлаб, кўчадан парда билан тўсилган қоронғу хонага киради. Унга бир нечта оддий ликопчалар беришади. Мижоз эса ликопчаларни бирма-бир ерга уриб синдириб, сўнг кетади.

Тор жамоа кишанларида ўзини доим босиб туриш зарурияти японларни «Юракни бўшат» томошахонасига етаклайди. Айёр Коносукти Мацусита ўз ишчиларига цехдан чиқмай туриб юракларини бўшатиб олиш имконини берган. Мацуситага ўхшайдиган маникенлар, уларни урадиган тайёқлар концерн корхоналарининг барча чекиш хоналарида мавжуд эди.

Баъзан эса уларни ҳисоблаш ва махсус товуш электроникаси билан жиҳозлайдилар. Ҳар бир зарба тушганда ҳисоб қурилмаси уларнинг сонини санаб боради. Маникен ичидан Мацуситанинг овозига ўхшаган овоз ачинарли бир алфозда кечирим сўраб, хитоблар қилади.

## УЧАР ЛИКОПЧАЛАР УЧУН ҚЎНАЛҒА

Кўпчилик НУЖ (номаълум учар жисмлар) бор ёки йўқлигини тахмин қилиб, тортишаётган вақтда Жанубий Корея нужшунослари шу йилнинг охиридаёқ «учар ликопчалар» учун қўниш майдончаси қуришни чамалашган. Қўналғанинг майдони унчалик катта эмас – 50x50 метр, ёхуд футбол майдонининг ярмича келади. У Кенсан Пукто вилоятидаги Понхва тоғи чўққисида жойлашган. Лекин унинг учун жуда кўплаб мосламалар тайёрланмоқда. Масалан, «ликопчаларга» периметри бўйлаб ўчиб-ёнувчи қўниш чироқлари, флуоресдент (нурланувчи) «Хуш келибсан НУЖ!» ёзуви, матбуот кенгашлари учун зал шулар жумласига киради.

Шуниси қизиқки, нужшунослар бу режага ҳеч қанча маблағ сарфламайдилар. Барча харажатларни, ҳам ер, ҳам мосламалар чиқимини ўша ерда яшайдиган будда руҳонийси ўз зиммасига олди. Руҳонийнинг айтишича, у коинот меҳмонларининг ўша жойга ташрифини кўп марта кузатган ва энди келгиндиларни «ликопчага» таклиф этаётган экан.

**Дилшод ҚОСИМОВ тайёрлаган.**

*Ғаройиб дунё*

## ОИТСга ҚАРШИ ТАДБИР

Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбек-Кобул текстил» қўшма корхонасида XXI аср вабоси — ОИТС касаллигидан сақланиш ва унга қарши кураш мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбир мобайнида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва бевосита ОИТС касаллиги билан боғлиқ муаммолар ҳақида маърузалар тингланиб, бу иллатларга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

**Раъно РАҲМЕДОВА.**

## Об-ҳаво



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 25-29 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат кечалари 1 даража совуқ 4 даража илиқ, кундуз кунлари 10-15 даража илиқ бўлиши мумкин. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 1-6, кундуз кунлари эса, ҳаво пасайиб, 0-5 даражагача илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «ЖАСУР РШХ» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Ёшлари театри жамоаси театрнинг кекса ходими **Нурулла ЛЮТПУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-1004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6